

Юсуф Баласогуний Етгисув ўлкасидаги Кузўрда (Баласогун) шаҳрида 1016-1018 йиллар орасида дунёга келади. Бу даврда Етгисув ва Шаркий Туркистон ўлкалари туркий карлук кабиласидан чиққан қорахонийлар сулоласи кўл остида эди. Бу сулола VI—IX асрларда ҳукм сурган Буюк Турк ҳоконлигининг давомчилари бўлиб, IX аср ўрталаридан давлатни бошқариб келдилар. X аср бошларида Абдулкарим Сотук Буграҳон (924—955) ислом динини қабул қилди ва шу билан туркий элатлар ҳам узил-кесил ислом минтақа маданиятига келиб кўшилдилар. X аср охирига келиб, Сомонийлар таназзулга юз тутгач, қорахонийлар Мовароуннахрни тугал эгалладилар. Баласогун ушбу улкан мамлакатнинг шимолидаги пойтахти эди.

Шоир хақида маълумотлар кўп эмас. «кутадгу билиг» асарини 50 ёшларда, хижрий 462 йили (1069/70) ёзиб тугатган Юсуф ўзи хақида асар муқаддимасида шундай маълумот беради: «Бу китобни тасниф қилигли Баласагун мавлудлиг паркиз идиси эр турур. Аммо бу китобни Кошгарда тугал қилиб, Машрик малики Тавгачхан усқинга кеқурмиш, малик ани агирлаб, улуглаб ўз Хас Хожиблыкы анга бермиш турур, анинг учун Юсуф Улуг Хас Хожиб тэб атк жавк йазилмиш турур» (Бу китобни тартиб берувчи Баласогунда тугилган, паркиз сохиби (сабр-каноатли) кишидир. Аммо бу китобни Кошгарда тугал қилиб, Машрик малики Тавгачхон даргоҳига келтирибдир. Малик уни ёрлақаб, улуглаб ўз (саройида) Хос Хожиблик (лавозимини) берибди. Шунинг учун Юсуф Улуг Хос Хожиб деб машхур номи тарқалибди). Китобда номи тилга олинган ҳокон Насриддин Тавгач улуг Бугро қорахон Абу Али Хасан Хорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075-1103 йиллар давомида қорахонийлар давлатини бошқарган. «кутадгу билиг» асари унга бағишланган пайтда у Кошгарда Арслон-тегин Тўгрул қорахон Махмудхон (1059—1075)нинг ўртоқ-қогони сифатида ҳукм сурарди (қорахонийлар сулоласида шундай одат бўлиб, Баласогун асосий ҳокон ҳукмдор бўлганда қошгарда унинг ўртоқ-қогони иш юритарди).

Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Хос Хожиб араб ва форс тилларини муқаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадиий адабиёт билан чуқур таниш бўлган. Бундан ташқари шоир қадим турк ёзма адабиёти, туркий халқлар оғзаки ижодини ҳам яхши билган, улар муҳитида тарбия олган. Шоир туркий элатларнинг қадимий қўшнилари хитой, мўғул, хинд, эроний халқлар маданияти, юнон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари хақида муқаммал маълумот эгаси бўлган. Юсуф катта истеъдод сохибидир. Ўша давр анъанасига кўра, у араб, форс тилларида ҳам шеър ижод қилган бўлиши керак, туркий адабий тилда, балки девон ҳам тузгандир. Афсуски, бизгача шоирнинг ягона достонидан бошқа асари етиб келмаган. Аммо аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қайси ижодкор илк ижодини 6,5 минг байтга яқин йирик достон ёзишдан бошламайди. Масалан, Амир Хисрав Дехлавий биринчи йирик достонини бошлаганда икки девон тузган ва улар тарқибида бир қатор кичик маснавийлари бор эди. Биз Юсуфнинг ижодий йўли хақида баъзи маълумотларни достонга таяниб олишимиз мумкин. Масалан, шоир қирғиз қисмида ёзади:

Бу тугмиш элиндин чиқиб борғони,

Китобни қўшубон тугал қилғони.

(Тутилган юртидан чиқиб борғани, китобни жамлаб тугал қилғани).

Иккинчи сатрдаги китобни жамлаб, тугал қилғани хақидаги маълумот, унинг баъзи қисмлари олдинроқ алоҳида асар сифатида ёзиб, машқ қилинган бўлиши мумкинлигидан

дарак беради. Маснавий жанрида ёзилган асар таркибида вазн ва кофиялаш усулига кўра ундан фарк килувчи икки алохида касида ва 200 дан ошиқ тўртлик мавжуд бўлиши ҳам беҳуда эмас. Биз бу асарнинг таркибий курилишидан келиб чиқиб, уни шоир бир неча марта тахрирдан ўтказган бўлиши керак деб, ўйлаймиз. Олимлар ҳам бу ҳақда хилма-хил тахминлар килиб келишади. Хозир бизнинг кўлимизга етиб келгани охириги тахрир ва хоконга такдим этилган нусхадир. Бу нусха таркиби куйидагича:

Уч боскич мукаддима:

1. Насрий мукаддима (38 сатр);
2. Шеърый мукаддима (77 байт);
3. Мукаддимавий боблар (II боб, 390 байт).

Иккинчи ва учинчи боскич орасида боб сарлавхалари рўйхати (фихристи абвоб) берилган.

Асосий қисм — дoston мавзуи 68 бобда ривожланади. Ундаги сарлавхалар ҳисобига, агар иштирок этувчиларнинг савол-жавобларини ҳам киритсак — 174 сарлавха остида берилган. Умумий ҳажми — 5896 байт. Хотима қисми — 2 касида ва маснавий бобдан иборат бўлиб, охириги маснавий боб мазмунигина маълум даражада дostonга алоқадордир. Мукаддиманинг фақат учинчи боскичи (II бобдан иборат) бевосита дoston таркибига ўйгунлашган. Олдинги икки боскич эса қайта тахрирда китоб ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун атайин наср ва назмда илова қилингандир. Шу сабабли улар боблар номланиши рўйхатидан ҳам илгари берилган.

Асосий қисм охирида (6261—6286-байтлар) шоир китобнинг ёзилиш йили, нима мақсадда ёзилгани, ўқувчига мурожаат, Аллоҳга муножот, Пайгамбар ва чоҳорёрларга саломлар билан асарни хотималайди ва алоҳида хотима қисмга ҳожат қолдирмайди. Аммо бундан сўнг яна 2 касида (Йигитликка ачиниш, қарилдан шикоят қилиш — 44 байт ва замон бузуклиги, дўстлар жафосидан ёзгириш — 40 байт) қўшилиб, яна 1 маснавий бобда муаллиф ўзига ўзи насихат қилади (37 байт), асарнинг туркча ёзилганлиги, тугалланиш санаси, яна муножот ва саломлар қайтарилади. Шулардан билинадик, хотима қисмига ҳам 2 касида қўшилиб, қайта тахрир қилинган пайтда ёзилган. Асосий қисм мазмуни ва мундарижасига кўра «кутадгу билиг» дostonи минтака адабиётининг биринчи боскичида яратилган туркий тилдаги ислом маънавиятининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб баралла таърифласак арзийди. Унингдек улуг яхлит китоб ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-сахих» идан кейин араб ва форс тилларида ҳам яратилмаган эди. VIII—IX асрларда Абдулхамид ал-Котиб, Ибн ал-Мукаффа (720-756), Адиб Аҳмад Югнакий, ал-Жохиз (775—868) каби йирик адиблар томонидан асос солинган адаб илми, Абу Наср ал-Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий фалсафаси, «Шохнома» ва турк хоконларининг ёдномалари, минтака халқларининг бой маънавий мероси бу асар мағзига сингдирилган. Энг асосийси, бу китоб ислом минтака маънавиятининг қомуси бўлди. Фирдавсий «Шохнома»си минтака халқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттирса, Юсуф Хос Хожиб асари унинг янги даврдаги ҳолатини бадиий тафаккур қонуниятлари асосида мужассам этди. Муаллиф ўз асарини «Шохномаи туркий» деб шухрат топганини айтади, бу қиёс шу маънода тўғрики, ўтмишда минтака эроний ҳукмдорлар — Каёний ва Сосонийлар ҳукмида бўлган бўлса, Юсуф даврида Сосонийлар мулки туркий ҳукмдорлар қўлига ўтган эди. Баласогундан Бағдодгача туркий сулолалар ҳукм сураётган эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шухрат топган номлари «Адаб ул-Мулуқ» («Ҳукмдорлар одоби») ва «Ойин ул-мамлакат» («Мамлакатни идора этиш қоидалари») худди шу жиҳатни акс эттирар эди.

Достон мазмуни шоир тасаввуридаги шундай бир бадиий оламини акс эттирадики, унинг асосий кахрамонлари 4 тимсолдан ташкил топган.

Биринчиси, Адолат — у бош хукмдор, унинг номи Кунтугди, у куёшдек барчага баробар нур таратади.

Иккинчиси, Давлат — туркийда кут, у бош вазир, унинг исми Ойтўлди. Кут ёки Давлат ички мазмуний тушунча бўлиб, Бойлик, Барака, Омад, Бахт, кудрат маъноларини ўзида жамлаган, хукмдорнинг таянчи, унинг бе-лига кувват, кўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош мас-лахатчи ва нозир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний, Давлат, Бахт, Омад деган нарсалар пойдор эмас, осмондаги Ой сингари гох тўлиб балкийди, гох Хилол сингари нозиклашиб, кувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Аммо унинг вориси, ўгли Ўгдулмиш унинг ўринбосари, хукмдорнинг якин маслахатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш Акл ва Билим рамзи. Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши кўлида доимий турмаса, Акл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Асли асарнинг бош кахрамони Ўгдулмиш, яъни Акл ва Билимдир. Шу сабабли китобнинг асл номи ҳам «кутадгу билиг» («Бахтга элтувчи билим»). Бахт, кут-барака, омад, кудрат манбаи бўлмиш билим билан боғлиқдир. Асардаги тўртинчи тимсол — каноат. Агар инсонда, жамиятда каноат бўлмаса, унинг барча хосияти бир пул, оқибати аянчлидир. каноатнинг исми Ўзгурмиш бўлиб, у Ойтўлдининг, яъни Бахт ва Давлатнинг, Ўгдулмишнинг, яъни Акл ва Билимнинг кариндошидир. Аммо Ойтўлди кариндошини эсламайди. Бахт ва Омад каноатни хотирга келтирмайди. Хукмдорга (Элиг деб атайди Юсуф хукмдорни) Ўзгурмиш кариндоши хақида Ўгдулмиш эслатади, яъни Адолат Акл ёрдамида каноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Асар охирида Ўзгурмиш ҳам хасталаниб вафот этади, кунтугди ва Ўгдулмиш, яъни Адолат ва унинг бош маслахатчиси Акл қоладилар.

Булар ислом маънавиятининг бош тимсоллари эди. «кутадгу билиг»нинг айрича ахамияти ана шунда. Аммо асар мавхум тимсоллар ва рамзлардан иборат эмас. Асар кахрамонлари жонли шахслар — Элиг — Кунтугди — адолатли, инсофли хукмдор, Ойтўлди — донишманд, тадбирли, таржибали аллома, мураккаб характерли шахс, юрт, жамиятга фойдаси тегишини ўйлаб пойтахтга келади ва мусофирпарвар Кўсалиш ёрдамида Элигнинг Хос Хожиби Эрсиг билан танишиб, у туфайли Кунтугди саройига кириб боради. Элиг билан танишади. Элиг ва Ойтўлди орасида кўп суҳбатлар бўлиб ўтади. Улар бир-бирининг ботиний киёфаси, феъл-атворларини яхши ўрганиб, аста-секин умумий тил топишади, орада баъзи гинахонликлар ҳам бўлиб ўтади. Ойтўлдининг хасталиги ва ўлими, унга Элиг ва Ўгдулмишнинг кайгуриши, ҳамдардлиги жуда табиий, хаётий кечинма-ларда тасвирланади. Ўгдулмиш Акл тимсоли бўлгани билан, у аввал ўзини ёш йигитларга хос тутаяди. Элиг унга канча панд-насихатлар беради, тарбиялайди. Кейинги Ўзгурмиш билан бўлган суҳбатлар таъсирида ҳам Ўгдулмишнинг онги ўзгариб, ривожланиб боради. У маълум вақт Ўзгурмиш таъсирида тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочмокчи бўлади, аммо Ўзгурмиш ва Кунтулдилар яна уни бу ниятдан кайтардилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Шоир Акл ва Билимни эл-юрт, халк фаровонлиги йўлида хизмат эттириш энг асосий бурч деб ҳисоблайди. Акл аввало Адолатга химоячи ва маслахатгўй бўлмоги талаб этилади. Ўзгурмиш шахси таркидунё этган, зохидлик ва таквони яшаш тарзига айлантирган сўфийларни эслатади. Юсуф Хос Хожиб тасаввуф гоёлари, амалиётдан чуқур хабардор эканлигини ушбу кахрамони тавсифида аён этган. Тасаввуф, такво, зохидлик ва фақир шоир наздида аввало каноатнинг тимсоли, ёркин намоёндасидир.

каноат Окибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (рухий осойишталик, коникиш) келтиради. Адолат каноатсиз бўлмайди. Хукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг сухбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Сўфий хукмдори кидириб келмайди, хукмдор уни ўзи кидириши, сухбатига интиқ бўлиши керак. Кунтуғди, Уғдулмишни Ўзгурмишга мактуб билан уч марта жўнатади. Шоир фикрича, агар хукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдирса, сўфий ҳам сухбатдан бош тортмаслиги керак. Албатта, зоҳид Ўзгурмиш сарой аёнига айланмайди, у маълум вақт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтиб кетади, ҳаёт тарзини ўзгартирмайди.

Юсуф Хос Хожиб тасаввуф гоёларига, хақиқий такво эгаларига юксак эҳтиром билан қарайди, аммо жамият, халқ бахти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлаш унинг бош йўналиши бўлиб қолади. Унинг суюкли қаҳрамони Ўғдулмиш — Акл ва Билим эгаси, умрини Адолат хизматига бағишлаган шахсдир.

«Кутадгу билиг» қаҳрамонлари фақат тўрт киши эмас, унинг асари бадиий умумлашмаларни ҳаётдан узиб ақс эттирган деб бўлмайди. Достон ҳаёт ҳақиқатлари билан тўлугдир. Унда ўша давр турмушининг барча қирралари, иқир-чиқир, зиддиятлари ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Хожиб ўзининг юксак ўй-хаёлларини ажойиб тимсолларда ифодалар экан, ҳаётдан бир зум узилмайди, давр зиддиятларидан кўз юммайди, жамиятдаги барча табақа, тоифаларга ҳос фазилат, қусурлар, ижтимоий аҳволни аниқ идрок қилади. Уни баъзан феодал-сарой қарашларига тобе қилиб кўрсатишади. Аслида бундай янглиш тасаввур Юсуф Хос Хожибнинг ҳаётий зукколиги, ижтимоий ақли, тадбиркорлигини нотўғри талқин қилиш оқибатидир.

«Кутадгу билиг» китоби авом халқ учун эмас, биринчи навбатда, ҳокон ва беклар, яъни юртнинг хукмдорлари учун атаб ёзилгандир. Туркий сулолалар бугун ислом минтақасида хукмфармо бўлиб келаётган бир пайтда, ижтимоий жихатдан «Шохнома»дан кўра «кутадгу билиг», яъни «Хукмдорлар адабномаси» кўпроқ зарур ва бу китоб айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Юсуф Хос Хожиб ушбу ижтимоий заруратни вақтида англаб етди; унга юксак савияда жавоб бера олди. Унинг асарини туркий хукмдорлар қай даражада ўқиди ва ўзлаштирди, бу бошқа масала. Абу Али Хасан Хорунхон уни яхши қабул қилгани, шоирни муносиб тақдирлагани Кунтуғди ва Ойтўлди тимсоллари ҳаётий ҳақиқатга анча мувофиқ келганини кўрсатади.

Ўша давр ижтимоий, ахлоқий воқелигининг жуда кўп, хилма-хил жихатлари асар мазмунига сингдирилган. Айниқса, кунтуғди ва Ўғдулмиш сухбатларига бағишланган 15—25-боблар, Ўғдулмиш ва Ўзгурмиш сухбатига оид 31-53-боблар даврнинг барча ижтимоий тоифалари (беклар, сипохийлар, сарой аёнлари — вазир, хожиб, ҳазиначи, лашқарбошилар, элчилар, қотиблар, саййидлар, шоирлар, мунажжимлар, олимлар, табиблар, дехконлар, савдогарлар, чорвадорлар, хунармандлар, камбағаллар — барча-барчасининг) аҳвол-руҳияти, жамиятдаги ўрни, феъл-атвори ҳақида муфассал тасаввур беради, уларга хукмдор ва давлат аёнларининг адолатли муносабати қандай бўлиши кераклигини тушунтиради.

Юсуф Хос Хожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш, такомил бахш этишни мақсад қилиб қўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб келаётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш тақлифлари ўринли эди.

«Кутадгу билиг»нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир ҳаёли ўзаро ниҳоятда уйғун. Шоирнинг тасвирлари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой. Ислом минтақа шеърятининг энг асосий услуби

хусусияти — хар бир байтнинг мустакил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўтарилиш талаби Юсуф томонидан тўла хис килинган ва амалга тадбик этилган. Унинг жуда кўп байтлари хикматли сўз (афоризм) даражасига кўтарилган. Хар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради. Асар тавхид ёки ягона Аллох хамди билан бошланади. 32 байтли бу бобда исломнинг бош тушунчаси хар тарафлама тавсифлаб берилган. Хуллас, туркий тилда яратилган бу буюк асар минтака адабиёти ривожининг биринчи боскичи учун маълум маънода яқунловчи асар бўлди. Бу боскичнинг ўзига хос икки жихатини кайд этиб ўтмоқ керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт асосан турли хукмдорлар саройи қошида, улар хомийлигида ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърият, Сомоний ва газнавийлар хузурида форс тилидаги адабиёт панох топган бўлса, қорахонийлар даргохида туркий шеъриятнинг буюк намунаси дунёга келди.

Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафакат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи рухни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, маргуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил килар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда хукмдор табакага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад килган эди.

М. Имомназаров.